

## **“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
акциядорлик тижорат Халқ банки  
акциядорларининг навбатдаги йиллик  
Умумий йигилишининг  
2016 йил 24 июндаги  
3 - сонли Қарори

### **Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкнинг Кенгаши тўғрисида НИЗОМ (янги таҳрирда)**

#### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги ПФ-2084-сонли “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 943, 05.06.2000 й.) ва “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки” Уставига асосан ишлаб чиқилган.

2. Низом Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кенгашининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, кенгаш аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек банк кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кенгаши (бундан кейинги ўринларда – “Банк кенгаши” деб аталади) банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустаснодир.

#### **II. БАНК КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

4. Банк кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;  
йиллик ва навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йигилишларни чақириш,  
қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йигилиш кун тартибини тайёрлаш;

Банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлаш учун Акциядорларнинг умумий йигилишига киритиш;

Банк бошқарувини тузиш, Банк Раисини тайинлаш, Бошқарув раисининг тақдимномаси бўйича Банк бошқаруви аъзоларини тайинлаш (тасдиқлаш), Банк бошқаруви аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Банк номидан Бошқарув раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузиш;

Банкнинг корпоратив облигациялари, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек, бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи)га тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар бериш;

Банкнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш;

Банкнинг ички аудити тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Банк бошқаруви фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш;

банкнинг филиалларини ва ваколатхоналарини ташкил этиш (тугатиш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай (олдин) дастлабки тарзда тасдиқлаш;

акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;

Банкнинг шўъба ва қарам бўлган корхоналарини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳар чоракда Банк бошқаруви раисининг банк фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳамда банк ички аудити хизмати раҳбарининг ҳисоботларини эшитиш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ йирик битимлар ҳамда аффилиланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимлар тўғрисида қарор қабул қилиш (ваколати доирасида);

Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек банк уставига банкнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалаларни ҳал қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қозғаларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

қимматли қозғаларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини ва бошқа қимматли қозғаларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Банк кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;

Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдорини белгилаш;

Қимматли қозғаларнинг чиқарилиши (акция, облигация) ва эмиссия рисоласига ҳамда унинг матнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини маъқуллаш ва Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритиш;

Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотни ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тақдим этиш;

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш шу билан бирга, Банк Бошқаруви органининг Банк ривожланиш стратегиясига эришиш борасида кўрилаётган чоралар тўғрисида ҳисоботларни доимий эшитиб бориш;

Мол-мулкни бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;  
корпоратив консултантни тайинлаш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи низомни тасдиқлаш;

Банк Бошқаруви органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни банк Бошқарувидан олиш. Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Қарор қабул қилиш санасида Банк соф активлари миқдорининг бир фоизидан ортиқ миқдорда хайрия (молиявий ёрдам) ёки қайтармаслик шарти билан ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини амалиётга жорий этилишини назорат қилиш;

Амалдаги қонунчилик ва банк Уставига мувофиқ Банк кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

5. Банк кенгаши ваколати доирасидаги масалалар ҳал этиш учун Банк бошқарувиغا берилиши мумкин эмас.

### **III. БАНК КЕНГАШИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6. Қуйидагилар Банк кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:

ўз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

Банкка ўз ваколатларига мос равишда раҳбарлик қилишни таъминлаш;

Банк фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);

Банкнинг етарли даражадаги капиталлашувини таъминлаш;

Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;

Банкни ривожлантириш бўйича қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;

Банкнинг фойда кўриши мониторингини олиб бориш;

ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

Банк бошқарувидан мунтазам равишда банк таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот талаб қилиш;

Банк кенгаши йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш ва уларни мунтазамлигини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради.

Банк кенгаши аъзолари томонидан банк фаолияти тўғрисида керакли ахборотларга эга бўлишлари учун етарли вақт ажратишини тақозо этади. Банк кенгашининг кун тартибини тайёрлаш, кенгаш мажлисларини ташкиллашган ва самарали ўтказилишига ёрдам бериши ҳамда мажлис баённомасига кун тартибидаги масалалар киритилганлигига ва уни тўғри расмийлаштирилишига ёрдам бериши учун Банк кенгаши томонидан котиб тайинланиши мумкин. Банк кенгаши котибига ҳақ тўлаш ва тўловларнинг миқдорлари Банк кенгаши томонидан белгиланади.

### **IV. БАНК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ**

7. Банк кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга сайланади ва чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

Банк кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сайланиши керак бўлган Банк кенгаши аъзолари сонига кўпайтирилади ва акциядор ўз овозларни бир номзодга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин.

Энг кўп овоз олган номзодлар Банк кенгаши аъзолигига сайланади.

8. Банк кенгаши аъзолари сони Банк уставига асосан камида 5 (беш) кишидан иборат бўлиши керак. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам Банк кенгаши аъзолари бўлиши мумкин. Шунингдек, Банк кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо Банк Уставида кўзда тутилган Банк кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилиши мумкин.

Қуйидагилар Банк кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

I. Сўнгги беш йил мобайнида Банкда, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналарида ишламаган шахслар;

II. Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;

III. Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик мижозлари ёки мол етказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

IV. Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

V. Банк, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнгги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахсининг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

VI. Банкни назорат қилувчи шахс (ёки Банк устидан жамоа тарзида назорат олиб борувчи гуруҳ ва/ёки ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

VII. Банк билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва Банкнинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (компания) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

9. Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси Банк кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Банк кенгаши аъзосининг ваколатлари муддатдан аввал тугатилиши акциядорлар Умумий йиғилиши қарорига асосан акциядорларнинг ўзгариши, кенгаш аъзоларининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги, Банк кенгашининг тегишли аризаси берилганда ва бошқа асосларда вужудга келиши мумкин.

10. Банк кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

## **V. БАНК КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

11. Банк кенгаши раиси Банк кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Банк кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Банк кенгаши раисининг ўринбосари Банк кенгаши аъзолари орасидан Банк кенгаши раиси томонидан тайинланади.

12. Банк кенгашининг раиси бўлмаганда унинг вазифаларини Банк кенгаши раиси ўринбосари амалга оширади.

13. Банк кенгашининг раиси:

Банк кенгашининг ишини ташкил этади;

кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;

Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва умумий йиғилишда раислик қилади;

Банк номидан Банк бошқарув раисини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузади;

банк уставида ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ишларни амалга оширади.

## **VI. БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

14. Банк кенгаши мажлиси Банк кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;  
Банк кенгаши аъзоси;  
Тафтиш комиссияси;  
Банк бошқаруви;  
Банк ички аудит хизмати раҳбари;  
Банкнинг ташқи аудитори талаби бўйича чақирилади.

15. Банк кенгаши мажлиси бир ойда камида бир марта ўтказилади. Банк кенгашининг мажлисини ўтказилиши ҳақидаги хабар Банк кенгаши аъзоларига мажлис ўтказиш вақти, жойи ва кун тартибига киритилган масалалар кўрсатилган ҳолда факс, электрон почта ёки хат билан Банк кенгаши котиби, агар у бўлмаганда Банк бошқаруви аъзолари орқали мажлис ўтказиладиган кундан камида 3 (уч) иш куни олдин юборилади.

16. Банк кенгашининг кун тартибидаги барча масалалар, қоидага кўра, олдиндан Банк Бошқарувида муҳокама қилинади. Банк кенгаши аъзоларига, зарурат тугилганда, қўшимча маълумотлар Банк кенгаши котиби ёки Банк Бошқаруви аъзолари орқали етказилади.

17. Банк кенгаши ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар кўпчилик, овозларнинг камида учдан икки қисми билан қабул қилинади. Банк кенгаши мажлисида масалаларни ҳал қилишда Банк кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Банк кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк кенгаши аъзолари белгиланган сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил қилиши керак.

18. Банк Кенгаши аъзоларининг сони Банк устави билан назарда тутилган 75 фоиздан кам бўлиб қолган ҳолларда Банк кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши чақирилиши шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Банк кенгаши Банк Бошқаруви Раиси ваколатлари муддатидан олдин тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

19. Овоз бериш ҳуқуқи Банк кенгашининг бир аъзоси томонидан Банк кенгашининг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

Банк устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар Банк кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

20. Банк кенгаши мажлисларида баённома юритилади, у кенгаш мажлиси ўтказилгандан кейин 10 кундан кечиктирилмай расмийлаштирилиб, тасдиқланади.

21. Мажлис баённомасида:  
мажлис ўтказилган сана, жойи ва вақти;  
мажлисда қатнашган шахслар;  
мажлис кун тартиби;  
овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқунлари;  
қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

22. Банк кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган Банк кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомасининг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўладилар.

23. Банк кенгаши мажлис қарорлари сиртдан овоз бериш (сўров йўли билан) йўли билан ўтказилганда кенгаш барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

24. Банк кенгаши қарорларни қабул қилиш чоғида овозлар тенг бўлган ҳолларда Банк кенгашининг раиси ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

Банк кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк Бошқарувиغا ижро этиш учун топширилади.

Банк кенгаши мажлисини видео-конференц-алоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

## **VII. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

25. Банк кенгаши аъзоси:

Кенгаш йигилишида шахсан қатнашиш, йигилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиқиш;

ишларнинг шу кундаги аҳволи тўғрисида, банк фаолиятининг бирор-бир давр ичидаги асосий натижалари ҳақида, уни ривожлантириш режалари тўғрисида барча тўлиқ ва ишончли молиявий ахборотни олиш;

зиммасидаги вазифаларни бажара туриб Банк кенгашидаги иши учун муайян мукофот олиш ҳуқуқига эга;

Кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кенгаш раиси томонидан кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кенгашнинг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши Акциядорлар умумий йигилиши томонидан белгиланади.

26. Кенгаш аъзоси томонлардан бири банк бўлган битимдан молиявий манфаатдор бўлган ҳолларда, шунингдек, кенгаш аъзоси билан банк манфаатлари ўртасида ўзгача низо юзага келган ҳолларда, кенгаш аъзоси битим тузиладиган пайтга қадар ўз манфаатдорлигини кенгашга барвақт маълум қилиши шарт, битим тўғрисидаги қарор эса шундай манфаатдорликка эга бўлмаган кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ёки акциядорлар умумий йигилишида акциядорлар кўпчилиги томонидан қабул қилиниши лозим. Бунда кенгашнинг манфаатдор аъзолари шундай битим бўйича муҳокамада ҳам, қарорлар қабул қилишда ҳам иштирок этмайдилар.

27. Кенгаш аъзолари бевосита ёки билвосита кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

28. Кенгаш аъзолари банк имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлардан, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлардан, банкнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

## **VIII. БАНК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

29. Банк фаолиятини назорат қилиш бўйича мажбуриятни амалга ошириш учун қуйидаги:

аудиторлик қўмитаси;

кредит қўмитаси;

инвестиция қўмитаси;

актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси;

банк таваккалчиликларини назорат қилиш;

Банк тизимида низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш қўмиталарини тузади.

Агарда мазкур қўмиталар томонидан Банк фаолиятига таъсир этувчи салбий ҳолатлар аниқланган ҳолда Банк кенгаши йигилиши чақирилиши бўйича Банк кенгашига мурожаат қилиши мумкин.

30. Банк фаолиятини назорат қилишда Банк кенгаши қуйидаги:

кредит сиёсати;

кадрлар сиёсати;

актив ва пассивларни бошқариш ёки ресурсларни бошқариш сиёсати;

дивиденд сиёсати;

инвестиция сиёсати;

эмиссия сиёсати;

ахборот сиёсати тўғрисидаги низом ва сиёсатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

## **IX. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

31. Банк кенгашининг аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдида ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Банк уставига мувофиқ жавобгар бўладилар.

32. Банк кенгаш мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зиён етишига олиб келган қарорга қарши овоз берган Банк кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод этиладилар.

## **X. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ТўЛАНАДИГАН МУКОФОТЛАР МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ**

33. Банк кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофотлар банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва молиявий натижаларига инобатга олган ҳолда тўлаб берилади.

34. Банк ҳар йили корпоратив бошқарув тизими ва молиявий натижалари бўйича мустақил баҳолашни ўтказиб боради.

35. Мустақил баҳолаш натижалари банк кенгаши раиси ва аъзоларини маълум миқдорда мукофотлаш учун аниқлаш мақсадида асос бўлиб хизмат қилади.

36. Мустақил баҳоловчи ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ Банк кенгаши фаолияти баҳоланиши мумкин.

37. Мукофот миқдори (Банк кенгашининг бир аъзосига бир календар ой учун) қуйидаги тартибда белгиланади:

агар, қониқарсиз деб баҳоланган бўлса – мукофотлар ҳисобланмайди ва тўланмайди;

агар, паст деб баҳоланган бўлса – мукофотлар энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида ҳисобланади ва тўланади;

агар, қониқарли деб баҳоланган бўлса – мукофотлар энг кам иш ҳақининг 7 баробари миқдорида ҳисобланади ва тўланади;

агар, юқори деб баҳоланган бўлса – мукофотлар энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида ҳисобланади ва тўланади.

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
акциядорлик тижорат Халқ банки  
акциядорларининг навбатдан  
ташқари умумий йиғилиши  
қарори билан

2018 йил “30” март  
1 – сонли баённома

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг  
Кенгаши тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Низомнинг 14-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“14. Банк кенгаши мажлиси Банк кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси;

Банк кенгаши аъзоси;

Тафтиш комиссияси;

Банк бошқаруви;

Банк ички аудит хизмати раҳбари;

Банкнинг ташқи аудитори талаби бўйича чақирилади.”

Бошқарув Раиси

  
А.Н. Абдуллаев

  






**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

Ўзбекистон Республикаси  
акциядорлик тижорат Халқ банки  
акциядорларининг навбатдан ташқари  
Умумий йигилишининг  
2018 йил 25 августдаги  
5 - сонли баённомаси билан

Умумий йигилиш Раиси

\_\_\_\_\_ Д.К. Ибрагимов

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат  
Халқ банкининг Кенгаши тўғрисидаги  
Низомга ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг Кенгаши тўғрисидаги Низомнинг Х. боби - “Х. Банк Кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофотлар миқдорини белгилаш тартиби” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Бошқарув Раиси**

**А.Н. Абдуллаев**